

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
27 июль
ЧОРШАНБА
№ 60 (12904)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, тегишли ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, сиёсий партиялар етакчилари, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳудудий бандлик-ка кўмаклашиш марказлари мутахассислари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев бошқарди.

МАҚСАД — МАВЖУД ИМКОНияТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ



Депутатлар кун тартибига мувофиқ, дастлаб жорий йилнинг 6 ойида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва галдаги муҳим вазифаларни атрофлича муҳофаза қилдилар.

Қайд этилганидек, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсадли дастурлар ижроси юзасидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хисобот даврида вилоятда яппи ҳудудий маҳсулотнинг 7,3 фоиз ўсишига эришилди. Шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш ишлари 10,5, чакана савдо айланмаси 13,8, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,9 фоизга кўпайди.

Сессияда жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оксоголи) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларининг вилоят миқёсидаги якунларига доир "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Х. Эрматовнинг ахбороти тингланди.

Депутатлар вилоят маҳаллий бюджетининг 2015 йилги ижросини тасдиқладилар.

Маълумки, бугунги кунда аҳолини таъминлаш ва рақобатдош дори воситалари билан барқарор таъминлаш долзарблик касб этмоқда. Хусусан, жойларда дори воситалари ва тиббий буюмлар нархларининг асосий таъминоти юборилиши ҳоллари учрамоқда. Фармацевтика саноатини янада раванқ топтириш бўйича ўз ижросини кутаётган масалалар ҳам кўп. Шу боис, депутатлар бу борада вилоятдаги мавжуд аҳолига ҳолисона баҳо берган ҳолда, тармоқда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар юзасидан мунозаралар қилишди.

Йиғилишда "2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"нинг жорий йилнинг январь-июнь ойларидаги ижроси таҳлил қилинди. Шунингдек, Тошкент вилояти учун инновацион тизимнинг концептуал асосларини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун илмий-амалий ёрдам бериш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Вилоят ҳокимининг ташкилий масалаларга оид бир неча қарорлари тасдиқланди.

Сессияда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛМАЛИҚ: БУНДА БОРДИР МЕҲНАТ, ФАЙЗ, ҚАДР...



Шаҳар ҳокимлигидагилар бизнинг ният-мақсадимизни билишгач, ҳушролик билан Олмалик истиклол йилларида бутунлай ўзгача чирой очгани, буни кўриш ва юртдошларимизга ҳикоя қилиб бериш айти муддао эканини таъкидлашди. Хусусан, янгича қиёфа касб этган қадимий манзиллар, ўзлигимизни англатувчи обод зиёратгоҳлар, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб қад ростлаган янги мавзёлар, азамат қурилишлар, шаҳарнинг ифтихори бўлмиш "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятининг шахдам қадамлари ҳақида завқ ва гурур билан сўзлай кетишди. Фақат ўз юртини севган, сидқидилдан ардоқлаган инсонларгина ана шундай тутилмай, ҳеч бир сабаб-таъмасиз бўлиб сўзлаши мумкин.



Йўл очерки

Бола кулусига тўлсин кенг жаҳон

Шаҳар ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи етакчи мутахассиси Жонибек Алижонов ҳикоясини шундай бошлади:

— Шаҳримиз истиклолнинг улуг тўйига катта тайёргарлик кўрмоқда. Одамларимизнинг ўзи, маҳалла фаоллари чор-атрофни ободонлаштириш, шаҳар кўркига кўрк қўйиш борасида яқин бўлиб иш бошлаганлар. Бугун бу ерда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолининг дилида, тилида бир гап: "Юртимиз тинчлигига, фаровонлигига асло кўз тегмасин. Бизни шундоқ кунларга бошлаган Юртбошимиз омон бўлсинлар..."

Жонибек яна узоқ гапирди... Одамлар ва тақдирлар, шаҳарнинг кечаги кун ва бугуни, режалар ҳақида сўзлади. Сухбатимиз давомида, яқин атрофда болажонларнинг шодон кулгулари, қийқириклар эшитилиб турарди. Қизикиб, фотоаппаратларни созлаганча ўша томонга қараб юрдик.

Ҳокимлик биносидан сал нарироқда жойлашган чўмилиш ҳавзасида ёзги таътилни мароқ билан ўтказаятган бахтли мамлакатнинг бахтиёр болаларини учратдик.

Шаҳар марказидаги замонавий "Дельфин" аквабоғи 2013 йилдан фаолият кўрсата бошлаган экан. Боққа киришингиз билан бир жуфт фавворадан ён-

атрофга сочилаётган зиллол сув кишига ҳузур бахш этади. Эни 4, узунлиги 350 метр бўлган "дарё"чада болалар ва катталар чўмилиши учун шароитлар муҳайё. Болалар сувга сак-райдиغان мосламалар, ўтириб чақчақлашадиган су-бонлар, бассейн, салқин ичимликлар ва музқаймоқ... Қўйингки, ҳавас қилса арзийдиган барча шарт-шароит яратилган.

Одатда бирон ерга хизмат сафари билан борсак, биз ижодкорлар рақамлар, далиллар ёзилган ён дафтарни сумкага солганча, ҳудудни бамайлихотир айланишни, аввало, болалар учун мўлжалланган биною иншоотлар аҳоли билан танишишни ҳуш кўрамыз. Зотан, мамлакатнинг эр-

Иқтисод, ислохот, имконият

Маълумки, бу мўъжаз шаҳар мамлакатимиздаги энг йирик саноат ўчоқларидан бири ҳисобланади — "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти нафақат Тошкент вилояти, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида ўзига хос ўрин тутади.

Шунга монанд равишда шаҳарда йирик ишлаб чиқариш мажмуаларига мос замонавий инфратузилма, фаровон турмушимизни акс эттирувчи аҳоли турар-жойлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва коллежлар, муҳташам спорт иншоотлари, сервис хизматлари тизими шаклланди.

Давоми 2-бетда.

Тадбиркорлик

Бугун бозорларимизда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мебелларнинг кўпчилиги ва хилма-хиллигини кўриб, қувонасиз. Танлаш имконияти жуда кенг. Энг муҳими, уларнинг асосий қисмини маҳаллий тадбиркорлар тайёрлашмоқда.

СИФАТИ ЖОЙИДА, НАРХИ ҲАМЁНБОП

Қуйи чирчиқлик хусусий тадбиркор Олимжон Ўринбоев бошчилик қилаётган "Қуйи Чирчиқ Файз Барака" хусусий корхонаси маҳаллий мебелсозлик ривожига муносиб ҳисса қўшаётган жамоалардан бири. Олимжон 30 ёшида иқтидорли тадбиркор сифатида танилиб улгурди. У ўзининг мебелсозлик фаолиятини бошлашдан олдин ўқиди, билим ва тажрибасини оширди. Шундан кейин хусусий корхона очигина қарор қилди. Банк унинг бизнес режасини иштиқобли, деб баҳолаб, 70 миллион сўм кредит ажратди. Бу маблага дастгоҳлар харид қилинди.

Албатта, мебел ишлаб чиқаришда харидор талаби, дизайни, ранги ва чидамлилиги, замонавий талабларга мос келиши ҳам назардан четда қолмади. Шунданми, корхона тезда оғизга тушди, маҳсулотларига талаб кучайди, мижозлар кўпайди. Уч киши билан иш бошлаган жамоанинг сафи 8 нафарга етди. Уларнинг 5 нафари касб-хунар коллежини тугатган маҳаллий ёшлар.

Давоми 2-бетда.

Ким эдигу ким бўлдик?

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами олдидан кенг кўламли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

БИЗ АНГЛАБ ЕТГАН ҲАҚИҚАТ

Бу йилги байрам тантаналарининг "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этганлигида катта маъно бор. Ҳақиқатан ҳам мана шундай тинч ва гўзал мамлакатда азиз бўлиб яшаш ва меҳнат қилишнинг ўзи катта бахт. Айни вақтда бунинг қадрига етиш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, унга муносиб бўлиш барчамизнинг бурчимиздир.

Истиклолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаётди. Юртбошимизнинг: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиш бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси" деган сўзлари замирида баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг қалбига эзгу туйғулар — Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳини синдириш каби ният-мақсад жо бўлганини доно халқимиз яхши билади, шунинг учун ҳам айни маслак атрофига мамлакатимиз зиёлилари, ота-оналар жипслашиб, порлоқ истиқбол бунёдкорларига айланишмоқда.

Коллежимизнинг 3-босқич ўқувчиси Самандар Ҳусанбоев жорий йилда Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган халқа-

ро танловда иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. Шу тариқа у олий таълим муассасасига тест синовларисиз кириш имтиёзига эга бўлди. Бу юртимизда ёшларнинг иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун яратилган имкониятдан унумли фойдаланиш, режа, мақсадини Ватан манфаатлари билан уйғун кўраётган ёш авлод вақилининг дадил парвози, юксак орзулар йўлидаги дастлабки марраини эгаллагани, дилсиз муболага бўлмайди.

...25 йиллик мустақил тараққиёт йўли! Аслида, кўҳна тарих олдига уммондан томчидек мударат бу! Лекин, биз учун асрларга татигулик бу даврда нималарга эришдик, қандай натижаларни қўлга киритдик, кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик — буни фақат юракдан ҳис қилиш, қадрига етиш керак.

Бугун Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимиз танлаган йўл "Ўзбек модели"нинг нақадар ҳаётлиги, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг дунёда тинчликсевар, иқтисодий барқарор, фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат сифатида танилиб, тан олинди боришида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганлигини халқимиз тушуниб етди. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Нилуфар НОРИМҲАЕВА,
Янгиёул технология-иқтисодиёт
касб-хунар коллежи директорининг
маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетасини www.th.uz сайтида қўзатиб бориш

- Тамаддунлар бешигисан, отамаконим!
- Баҳодир байроқдор бўлади
- Иложим йўқ, хўжайин

Жараён

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида паррандачи-

лик тўрмоғида ҳам маҳсулдорлик ошиб бормоқда. Жорий йил охирига қадар паррандаларни 64,6 миллионга, тухум ишлаб чиқаришни 6,2 миллиард донага етказилиши кутилмоқда.

ПАРРАНДАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

"Паррандасаноат" уюшмасида мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантириш истиқболларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

— Бугун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик тоза маҳсулот етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Пар-

рандасаноат" уюшмаси раиси Акмал Исабоев. — Ўзбекистондаги паррандачилик фабрикаларида ҳеч қандай кўринишдаги гормонал препаратлар ишлатилмайди, антибиотик ва витаминлар касалликнинг олдини олиш, даволаш ва паррандани ривожлантиришда қўлланилади. Айни вақтда антибио-

тиklarни ҳам қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Мисол учун, "Ўртачирик парранда" акциядорлик жамиятида илк бор паррандаларни эмлашда антибиотиклар ўрнига Микробиология институтида ишлаб чиқарилган пробиотиклардан фойдаланилмоқда.

Давоми 2-бетда.



ОЛМАЛИК: БУНДА БОРДИР МЕХНАТ, ФАЙЗ, ҚАДР...

Мамлакатимизнинг иқтисодий юксалишида алоҳида ўринга эга бўлган комбинатда Маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилаётгани эвазига республика микросида импорт учун сарфланадиган катта миқдордаги валюта тежалмоқда. Комбинатда ёш мутахассисларга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, бугун ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ёшлар асосий ўрин тутмоқда. Устой-шоғирд аънаси изчил давом этаётган жамоага ҳар йили кон-металлургия йўналишидаги республикамиз олий даргоҳлари ҳамда касб-хунар коллежларини битирган юзлаб ёшлар ишга қабул қилинади.

Бугунги кунда нодир ва рангли металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи, ривожланган инфратузилмага эга бўлган комбинат бир қанча ноёб конлар, бешта бойитиш фабрикаси, иккита металлургия заводи, Олтингургурт кислотаси ишлаб чиқариш, Таъмирлаш-механика ва оҳак заводлари ва бошқа тузилмаларни ўз ичига олади. Комбинат тизимида 28 мингдан зиёд турли малака ва тоифадаги ишчи-ходимлар доимий иш ўринлари билан таъминланган.

Комбинатда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида унинг "юраги" — Қалмоққир конига бор-

дик. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, дунёдаги энг йирик хом ашё базалари қаторига кирувчи конда иш қизғин. Азамат машиналар гувуллайти, ишчи поездлар қимматбаҳо маъданларга бой хом ашёни юқорида олиб чиқмоқда, пастда, энг қуйида эса ҳазрати инсоннинг ақлу идрокидан яралган улкан экскаватор тин олмай ишлаяпти...

Маҳалла ҳикмати

Олмалик шаҳрида 43 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. 50 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қиладиган шаҳарнинг жамики фуқаролари бугун кўлини қўлга бериб, порлоқ истиқболга пешвоз чиқишмоқда. Бу шунчаки ҳавойи гап эмас, қўриб-қузатганларимиз, англаган-уққанларимиз...

Мана, шаҳарнинг энг намунали "Юлдуз" маҳалласидамиз. Маҳалла оқсоқоли Тўхтамурод Абдуллаев бизга ҳамроҳ, Авжи пешин маҳали, саратоннинг забтига қарамай, сўлим маҳалланинг соясалқин кўчасини кезиб борарканмиз, раис ҳар бир хонадоннинг таъриф-таъсифини завқ билан сўзлайди.

— Мана бу оилада эрхотин пенсионерлар яшайди. Миллати рус. Болалари она юртидан иш топиб, қўчиб кетишди. Аммо, улар шу ерда қолишди. Юринг, биз билан кетинг, дея роса ялиниб-ёлворилди, маҳаллани ҳам ўртага солишди.

Лекин, чоли тушмагур нима деди денг?! "Болам, Ўзбекистон — менинг Ватаним! Шу маҳалла менинг Ватаним! Буларни ҳеч кимга ва ҳеч нарсага алишмайман!". Ана кўринг, кўшни қиз уларга мева-чева олиб қираяпти. Ҳар кун шу аҳвол. Кимнинг хонадонига тансиқ таом пиширилса, тандирда иссиқ нон ёпилса, олдини бу садоқатли маҳал-

мизча қўймай, меҳмонна-возлик қилди. Боягина бизга нотаниш ва бегона хонадон соҳиби билан хайрлашиш осон бўлмади.

Файзли манзил

Шаҳар марказидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказидамиз... Тадбиркор Турсуноյ Исмиёминова ташаббуси билан қайта чирой очган

ладошларига илинади.

— Юринг, мана бу ҳовлига бирров кириб ўтамиз, — дейди раисбува наридаги бир хонадонга имо қилиб. — Негадигини ўзингиз кейин билиб оларсиз.

Хуллас, ичкарига кириб, чоғроқ дурадгорлик устaxonаси ва унда сокин бир кайфиятда, шошилмайгина ўз ишини бажараётган киши билан рўбарў келдик. Устaxonа



хонадоннинг қуйи қисмига, ғоят ҳафсала ва ҳар қарич ернинг ҳисобини олган холда қурилган эди.

Рашид ака Раҳимов кўп йиллардан буён "Олмалик кон-металлургия комбинати"да ишлар экан. У комбинатга қарашли ёки ташкилот оталиққа олган муассасанинг мебелларини созлар, яроқсиз ҳолга келган стол-стулми, бошқа жиҳозларми, хуллас, мўъжаз устaxonасида қайта зеб бериб, созлаб топширар экан. Бундан ташқари, ўзи ясаган турли-туман асбоб-ускуналарни кўрсатди. Ҳовлисида фарқ пишиб ётган кишидан татиб кўрмагуни-

бу жойда бугун 37 киши меҳнат қилаётган экан.

Ашула ва рақс, шахмат-шашка тўғараклари, фольклор ансамбли, "Нихол" бадий ҳаваскорлик театри, "Полвонжон" ҳаваскорлик кўғирчоқ театри фаолият кўрсатаётган муассасада ҳаёт қайнайдми. Гоҳ у хонадан жўшқин куй таралса, гоҳ бу хонада берилиб рақсга тушаётган бўйсара қизларга кўзингиз тушадми. Сездикки, марказ Олмалик ёшларининг сеvimли манзил-масканига айланиб улғурибди.

Айниқса, "Полвонжон" ҳаваскорлик кўғирчоқ театрининг фаолияти таҳ-

синга лойиқ. Эътиборлиси, фойдаланилаётган барча кўғирчоқларни шу ернинг ўзида, яқинда ташкил этилган тикувчилик устaxonасида тайёрлашаётган экан. Қизиқсиниб, кўғирчоқларни қўлга олиб кўрдик, ўша — ёшлик кезларимиздан бизга ҳамроҳ қаҳрамонлар, шўх-шодон сиймолар... Маҳорат ва нозик дид билан ишланган кўғирчоқлар марказ



жамоасининг салоҳиятидан дарак эди.

Тадбирли одамлар ишнинг бошида турса, мана шундай дил яйрайдиган, ибрат, ўрнатқучи лойиқ манзаралар кўп бўлади, дея кўнгилдан ўтказдик...

— Билмадим сизларни нима бунчалар ҳайратлантирдик экан, аммо мен ўз ишимни бажардим... бажараямман, холос, — дейди Турсуноյ Исмиёминова. — Энди бу ишларни пироварди ўзимиз учун, шу бола-бақрамиз, набираларимиз учун қилаяпти-да бу ишлар...

Яна шаҳар ҳокимлигида...

Хуллас, шаҳар ҳокимлигига қайтиб, ўтиб бораётган иш кунига кўрган-кечирганларимизни муҳома килдик, таассуротларни ўртоқлашдик. Бу орада, Жонибек қандайдир қорғоз-ҳужжатларни титкилаб, Олмалик шаҳрида экспорт ҳажмини кўпайти-

риш мақсадида 33 та корхонада ўрганиш ишлари олиб борилаётганини, айти пайтда бу ерда муайян ютуқларга эришилганини, хусусан, "Novo Wood" МЧЖ мебел маҳсулотлари, "Қурама Восток" хусусий корхонаси маҳсулотлари, "Зартола текстиль" кўшма корхонаси гилам маҳсулотлари, "Маиший кимё моллари" МЧЖ кир ювиш воситалари ишлаб чиқариш бўйича маҳсулот экспорт қила олиш салоҳиятига етишганини гапириб берди. Ҳамсуҳбатимизнинг айтишига қараганда, умуман, Олмалик шаҳрининг 2016-2017 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, жорий йилда 123 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Умумий қиймати 6 млрд. 922 млн. сўм миқдорда баҳоланаётган мазкур лойиҳалар натижасида 478 та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланмоқда.

Ойдинда юрган одамлар

Оқшом чўка бошлади. Ёз тароватиға бурканган шаҳар янада гавжумлашди. Юз-кўздан бахт, бахтиёрлик сурури намоён бўлиб турган одамлар сокин ҳибобларга, кўнгилочар бог-роғларга, баъзилари истироҳат боғига йўл олишди. Файзиёб давралар жонланди, муаззам шаҳарнинг чекка худудларида ҳам чапани, ҳам дилбар гурунлар — соддадил одамларнинг самимий суҳбатлари бошланди. Бу гурунлар, бу соз суҳбатлар кечамиз, бугунимиз, эртаимиз ҳақидиким, уларни борица, зеру забарсиз иншо бирла баён қилмоққа қалам ожиз келадми...

Яхшиси, бир бординг, серфайз Олмалик томонларга. Улкан орзу-мақсадлар билан яшаётган олмаликликларнинг ардоқли меҳмони бўлинг, азиз вилоятдошлар. Шоядк, кўнгил кўнгилдан сув ичиб, дўстлик ва меҳр-муҳаббат тафти бизни янада яқинлаштирса...

Сайёра РИХСИЕВА,
Бехзод ҚОБУЛОВ,
Мансур НАХАЛОВ
(суратлар),
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари.



РЕСПУБЛИКА Маънавият тарғибот маркази

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик — энг олий неъмат!" мавзuida маърифий тадбир ўтказди. Унда ўтган истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар, зафарлар, галабалар мисолида тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар ҳаётий мўъжиза экани хусусида сўз борди.

ЎЗБЕКИСТОН "Миллий тикланиш" демократик

партияси вилоят кенгаши томонидан Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидида "Аёл бахтли бўлса, юрт бахтиёр бўлади" мавзuida маданий-маърифий кеча ўтказилди. Соғлом она ва бола йилига бағишланган анжуманда, юксак марраларни забт этаётган фаровон жамиятимизда мунис аёлларга яратилган шароит ва кенг имтиёзлар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Айниқса, турмуш куриш ёшидаги қизларнинг истиқболи ҳақида давлат микёсида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг самара бераётгани иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

ЗАНГИОТА туманидаги Болалар мусика ва санъат мактабида Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий

кенгаши, вилоят прокуратураси, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати уюштирилди.

"Одам савдосига қарши кураш ҳамда аёллар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш — соғлом ва адолатли ҳаёт тарққиёти кафолати" деб номланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия сиёсий кенгаши марказий аппарати масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари, ўқувчилар иштирок этди.

БЕКОБОД шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик жамиятида "Энг фаол

ёш металлург" танлови ўтказилди. Унда комбинатда меҳнат қилаётган навқирон мутахассислар турли лойиҳа, меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган тақдирлар билан иштирок этди. Қизқарли руҳда ўтган мазкур танлов натижаларига кўра, пўлат эритиш цехи муҳандиси Абдуллажон Рўзиев томонидан яратилган лойиҳа самарали ва истиқболли дея баҳоланди ҳамда биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Шунингдек, беллашувда Темурмалик Қодиров, Азизбек Одилов сингари ёш мутахассисларнинг ишлари ҳам юқори баҳоланди.

РЕСПУБЛИКА "Кўзи ожизлар" жамияти томонидан ташкил этилган "Миллий ва эстрада хона-

далиги" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

— Танловда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан вакиллар иштирок этди, — дейди жамиятнинг вилоят бўлими раҳбари Замира Раҳимова. — Катнашчилар миллий, мумтоз ва эстрада хонадалиги йўналишлари бўйича беллашдилар. Энг муҳими, мазкур тадбир орқали кўплаб иқтидорларни кашф этдик. Тақдир синовларини мардона енгиб, одамларга завқ улаштириш касб қилган булбулзабон хонадалар сел бўлиб қуйлаганда, ҳар қандай инсон қалби жўнбишга келади, тоғни талқон қилгудек шахду шиддат уйғонади.

Кўрик-танловнинг миллий қўшиқчилик йўналишида янгийўллик Сойибжон Мадрохимов, чинозлик Шаҳноза Зокирова, зангиоталик Ақромжон Обидов, эстрада йўналишида эса пискентлик Азизжон Ойтўраев, чирчиқлик Наврўз Абдурахмонов ва Юқори чирчиқлик Муҳаббат Холхўжаева голиб деб топилди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

СИФАТИ ЖОЙИДА, НАРХИ ҲАМЁНБОП

Бугун корхонада барча турдаги мебеллар, стол-стул тўпламлари ва кўплаб бошқа турдаги жиҳоз ҳамда хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришмоқда. Мижозларга ўз истакларини рўёбга чиқаришлари учун ҳам кенг имконият яратиб берилган. Харидорлар диди ва талабига кўра буюртмалар бериши ва танлаши мумкин.

— Ёши улуғларимиз яхши билишлари, мустақилликдан аввал мебел топиш қийин, танлаш имконияти чекланган эди, — дейди харидор Сафармурод Файзиёев. — Ҳозир вазият умуман бошқача. Қаранг, ўзимизнинг йигит-қизларимиз тайёрлаётган маҳаллий маҳсулотларимиз кўзни қувонтиради. Сифати жойида, нархи ҳамёнбоп.

Яна бир эътиборли томони, корхонада ишлаб чиқарилаётган мебел ва жиҳозлар асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

— Биз эришаётган муваффақиятлар мамлакатимизда кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган қўлайлик ва имтиёзлар самарасидир, — дейди корхона раҳбари Олимжон Ўринбоев. — Дастлабки даврданоқ буюртмачилар фикри, харидорлар диди, истиаги ва эҳтиёжини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдик. Шу асосда маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш чораларини кўрдик.

Мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётган тадбиркор келгусида фаолиятини янада кенгайтириши, янги иш ўринлари яратиши, аҳоли эҳтиёжларига мос маҳсулот турларини кўпайтириш қаракатида. Хусусан, бу йил чет элдан 3 та замонавий дастгоҳ олиб келмоқчи. Бу маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш имконини беради.

Юлдузхон
МУХИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Ўқув машғулотлари



БЎСТОНЛИК БАҒРИДАГИ БЎСТОНДА

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида Бўстонлик туманидаги "Қамолот" ёшлар оромгоҳида ташкил этилган медиаоромгоҳда юрти-миздаги 65 та олий таълим муассасаларининг 128 нафар талабалари иштирокида ўқув машғулоти ўтказилди.

Журналистика бўйича таниқли мутахассислар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари жалб қилинган ўқув-машғулотида интернетда ахборот жанрлари, интер-

нетда репортаж, ахборот манбалари билан ишлаш принциплари, блог ва унинг асослари, ижтимоий тармоқлар каби мавзуларни қамраб олди.

Азиза АДДАНИЕЗОВА.

ПАРРАНДАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Натижада, парранданинг сақланиш ва ўсиш кўрсаткичлари белгиланган меъёр даражасида бўлиб, олинadиган маҳсулот барча экологик талабларга жавоб бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 29 декабрдаги "2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 апрелдаги қарорига кўра, имтиёз қўлла-надиган озуқа компонентлари ва технологик ускуналар рўйхати кенгайтирилиб, пар-

рандачилар импорт қиладиган барча материал ва ускуналарга имтиёз жорий этилди. Бу соҳа ривожига янги имкониятлар очмоқда.

Бундай ишлар самарасида паррандачилик маҳсулотлари кўпайиб, нархи арзонлашмоқда. Импорт ҳажми қисқариб бораётди. Ҳар бир вилоятда хўжалик ҳисобидаги ҳудудий "Паррандахизмат" бюроларини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди. Бу бюролар шартнома асосида хўжаликларга касалликларга қарши курашишга кўмаклашиш, парранда касалликлари диагностикасини ўтказиш ва натижасига кўра, тегишли тавсия-

ларни бериш билан шуғулланади. Бу парранда касалликлари устидан марказлаштирилган тарзда қузатув олиб бориш ва ҳудудларда эпизоотик муҳитни барқарор сақлашда кўл келади.

Йиғилишда уюшма таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларга услубий, ташкилий-техник ва ахборот хизматлари кўрсатиш, хориж корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

С. ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

МЕҲР ОҒУШИДАГИ БОЛАЛАР

Боланинг ўсиш ва ривожланиш даври доимий эътиборни талаб этади. Шу боис, оилада ота-онанинг, мактабгача таълим муассасасида психолог, тарбиячи-педагогларнинг роли катта.


Бугунги кунда 280 нафар болонларнинг баркамол воёга етишлари йўлида меҳнат қилиб келаётган Янгийўл туманидаги "Табассум" номли 18-сонли мактабгача таълим муассасасининг 14 нафар педагог-тарбиячилардан иборат жамоаси болонларнинг ёзги соғломлаштириш ишлари билан банд. 9 гуруҳдан иборат турли ёшдаги болалар тарбияланаётган ушбу маскан-

да ширинтойларнинг дам олиб, машғулот ва тўғаракларда вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Айниқса, спорт майдончасида турли ўйин ва мусобақалар ташкил этилаётгани болонларнинг мириқиб дам олишларини таъминламоқда.

Шу билан бирга, рақс, гимнастика, мохир қўллар, "Зумрадойлар давраси", "Инглиз

тилини ўрганамиз" каби тўғараклар болонларга дам олиш билан бирга билим эгаллаш учун ҳам қўл келмоқда. Марина Тарасенко, Татьяна Вахитова, Гулзара Мореева, Назокат Холматова, Раиля Йўлдошева сингари тажрибали тарбиячилар болонларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб воёга етишларида меҳр ҳамда маҳоратларини аямаяптилар.

□ Фамхўрлик



Соғлом она ва бола йили муносабати билан бу ерда "Соғлом болон" услубий қўланмаси асосида методик тавсия ва жисмоний тарбия тадбирлари ҳам ташкил этилмоқда. "Қувноқ ўйинлар", "Ғолиб бўлишим керак" ва "Кичкинтойлар фестивали" сингари тадбирлар шулар жумласидандир.

Мария АХМЕДОВА.

БИТИРУВЧИЛАРГА
СЕРТИФИКАТ
ТОПШИРИЛДИ

Ангрен шаҳрида аҳоли, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Навбатдаги меҳнат ярмаркаси политехника касб-хунар коллежидан бўлиб ўтди. Унда Ангрен шаҳри, Охангарон тумани ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 140 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса бир ярим мингдан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркада 840 нафар фуқаро, шу жумладан, 1050 нафар коллеж битирувчиси иштирок этди. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагидан бўлган битирувчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва улардан тўғри фойдаланиш шартлари ҳам тушунтирилиб, кредит олиш тартиби ҳусусида батафсил маълумот берилди.

Меҳнат ярмаркасида 620 нафар фуқаро, 567 нафар коллеж битирувчисига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди. Бундан ташқари, 2015-2016 ўқув йилида касб-хунар коллежларини тамомлаган 8 нафар ёш тадбиркорга фаолият бошлаши учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

Гулшода НАСИБАЛИЕВА.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА
МАРҲАМАТ!

2016 йил 31 август кунини соат 12.00 да мулк бошланғич баҳосининг босқичма-босқич ошириш тартибидега ўтказилади. "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилояти Бўстонлик тумани судининг 12.04.2016 йилдаги 1-101-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси – 34 612 096 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 95/11-уйда жойлашган, умумий майдони 31,60 кв.метр, тураржой майдони 17,40 кв.метрдан иборат хонадон, тураржой биноси қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичига мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар тузилладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfInBANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 2020800050501 хисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz. Лицензия RR 0173.

□ Ҳуқуқ ва бурч

Ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган корхоналар ҳамда фермер ҳўжаликлари ўртасида ҳўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий

ёрдам кўрсатиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида адлия органлари ўз ваколати доирасида бевосита иштирок этиб келмоқда.

МУЛҚДОР МАНФААТИ – АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТИДА

Хусусан, вилоят адлия бошқармаси мутахассислари томонидан 2016 йилга мўлжалланган шартномаларнинг намунавий лойиҳалари кўриб чиқилиб, амалиётда қўллаш учун жойларга етказиб берилди.

Шу йилнинг ўтган даврида фермер ҳўжаликлари билан 22 турдан ортиқ тайёрлов, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 33 мингдан зиёд шартномалар тузилишида зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, шартномавий мажбуриятлар бажарилишининг доимий мониторинги натижасида қонунбузилиш ҳолатларининг олди олинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида тегишли ташкилотларга 33 та тақдирнома киритилган бўлиб, унга кўра 3 нафар шахс интизомий, 4 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Киритилган тақдирномалар ижроси бўйича келтирилган молиявий зарарлар фермер ҳўжаликлари

га ундириб берилди.

Бундан ташқари, вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжаликлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 191 та даъво аризалари асосида қўрилган зарар тўла қопланди.

Ишонч телефонида тушган мурожаатларнинг 10 таси қаноатлантирилиб, таъсир чоралари натижасида 119 миллион 220 минг сўм ундирилди.

Бошқара томонидан олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Маматқарим Дилшод" фермер ҳўжалигига 2015 йил ҳосилидан етказиб берилган бошоқли дон маҳсулоти учун тўловлар амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.

Маъзур ҳолат юзасидан Тошкент вилояти ҳўжалик судига "Охангарондон" АЖ ҳисобидан "Маматқарим Дилшод" фермер ҳўжалиги фойдасига жами 318 миллион сўм, шундан 276 миллион сўм асосий қарз ва 42 миллион сўм жаримани ундириб бе-

ришни ҳамда ушбу қарздорликни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-моддаси билан "Охангарондон" АЖ иқтисодиёт бўйича директор ўринбосари Ж. Эргашевларга нисбатан тегишли жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш тўғрисида Тошкент вилояти ҳўжалик судига даъво аризаси юборилди.

Ҳўжалик суди томонидан маъзур даъво аризаси қаноатлантирилиб, топширилган маҳсулот қиймати ва жарима тўлиқ тўлаб берилди. "Охангарондон" АЖнинг иқтисодиёт бўйича директор ўринбосари Ж. Эргашев қарздорлик юзасидан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминламаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Иброҳим ХАТАМОВ,
вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 22 июлдаги 27-сонли Баённомаси қарори билан: Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан, "MEGA SKY PLANET" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 001097 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2016 йил 23 июлдан тугатилди.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 17 август кунини соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидега ўтказилади. "Очиқ аукцион" савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Тошкент вилояти судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 11 223 911 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., ранги сариқ (желтый), д/р. 10A030JA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси – 11 223 928 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., ранги сариқ (желтый), д/р. 10P301EA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси – 11 452 987 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., ранги оқ (белый), д/р. 10W213AA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси – 11 223 928 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., ранги оқ (белый), д/р. 10A202GA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132-414" р-ли микроавтобус; 1.1. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 09.03.2015 йилдаги 2-23/863-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 5 384 800 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10H815JA, "ГАЗ-2410" р-ли ав-на ва бошланғич баҳоси – 5 372 520 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10F979JA, "ГБА-СПГ-ГАЗ-2410" р-ли ав-на; ЖИБ Яккасарой тумани судининг 10.10.2014 йилдаги 1-478/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 7 239 681 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч., д/р. 10N091EA, "BA3-2106" р-ли ав-на; 1.2. ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йилдаги 14442, 14443, 14445, 14446, 15713-сонли ҳамда Олмалик шаҳар судининг 2014 йилдаги 11226-сонли ижро варақаларига асосан, бошланғич баҳоси – 2 355 980 сўм бўлган, 1972 йилда и/ч., д/р. 01S938KA, "BA3-2102" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 3 245 781 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч., д/р. 10M064BA, "ГАЗ-31029" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 11 822 209 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч., д/р. 10H470AA, "Форд-транзит" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси – 4 561 698 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч., д/р. 10T344AA, "Доган" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 3 522 374 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10Z923EA, "BA3-2105" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 772 730 сўм бўлган, 1971 йилда и/ч., д/р. 10E529KA, "BA3-2101" р-ли ав-на; 1.3. ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 08.10.2015 йилдаги 1-244/2015-сон-

ли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 27 534 834 сўм бўлган, 2012 йилда и/ч., д/р. 01Y8910A, "Spark" р-ли ав-на ҳамда бошланғич баҳоси – 18 575 350 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 01C965TA, "BA3-2107" р-ли ав-на. 2. Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган: 2.1. Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган, ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 23.12.2013 йилдаги 01-472-2013 ижро ҳужжатида асосан, бошланғич баҳоси – 6 499 491 сўм 30 тийин бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10N866EA, "BA3-2108" р-ли ав-на; ЖИБ Янгийўл тумани судининг 19.03.2015 йилдаги 5-961-15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 12 968 131 сўм 50 тийин бўлган, двигател рақами ХТА21074031757619, "BA3-2107" р-ли ав-на; ЖИБ Қуйи Чирчиқ тумани судининг 19.08.2015 йилдаги 151/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 908 900 сўм бўлган, 1978 йилда и/ч., д/р. 10E902GA, "BA3-2101" р-ли ав-на; ЖИБ Қуйи Чирчиқ тумани судининг 19.08.2015 йилдаги 151/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 32 145 300 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10K057AA, "ГБА-НЕКСИЯ-СПГ" р-ли ав-на; 2.2. ЖИБ Янгийўл тумани судининг 19.03.2012 йилдаги 2883/5 ижро ҳужжатида асосан, Қуйи Чирчиқ тумани, Кетмонтепа ҚФЙ, Чақмоқ қишлоғида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 4 664 762 сўм 10 тийин бўлган, 2002 йилда и/ч., д/р. 10M995EA, "ГАЗ-3110" р-ли ав-на; 3. ЖИБ Паркент тумани судининг 18.09.2014 йилдаги 1-107/14-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 17 180 369 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 10U562AA, "ГБА-СПГ-Матиз" р-ли ав-на.

2016 йил 31 август кунини соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидега ўтказилади. "Очиқ аукцион" савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан хатланган: 1.1. "Бекободгўштсавдо" МЧЖ УХБ омборида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 3 444 178 сўм 91 тийин бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10K521DA, "BA3-2101" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 3 543 385 сўм 61 тийин бўлган, 1983 йилда и/ч., д/р. 10A462BA, "BA3-21063" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 26 973 000 сўм бўлган, 2013 йилда и/ч., д/р. 10U219JA, "Спарк" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 12 560 000 сўм бўлган, 2005 йилда и/ч., д/р. 10F406KA,

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан қуйидаги таълим муассасасининг вақант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАЛЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, "Сада" МФЙ
2.	Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи	Ангрен шаҳри, Красногорск п., Полетаев кўчаси
3.	Бўқа майиш хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи	Бўқа шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 9-уй

Талловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида, академик лицей, ҚХКнинг таълим йўналишларидан камиде биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, ҚХКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахслардан иш стажини талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ҳодимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ҳодимлари асосий лавозимларининг малака талаблари" малака талабларига жавоб бериши керак.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАЛЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кунини 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низом асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вақант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига ТАЛЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:

1. Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:
1. Қуйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;
2. Пискент хизмат кўрсатиш ва технология касб-хунар коллежи;
3. Зангиота қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи;
4. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейи.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:

1. Бўстонлик туризм ва сервис касб-хунар коллежи.
Директор ўринбосари лавозимига талловда иштирок этувчи номзодлар:
а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, ҚХКнинг таълим йўналишларидан камиде биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбия-

вий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчининг кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ҚХКнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳодимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ҳодимлари асосий лавозимларининг малака талаблари" малака талабларига жавоб бериши керак.

Талловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровноманинг асли (барча бандлари аник, тўлиқ ва қисқартирилмасиз ўз қўли билан тўлдирлиши керак);
3. Таржимаи ҳол (қўлёзма);
4. Маълумотнома (справка-объективка);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (қадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассасаси томонидан дипломнинг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳр билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИНН, пенсия жағғариб бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефон: 150-40-37.

"НЕКСИЯ" р-ли ав-на. 1.2. ЖИБ Тошкент вилояти Бекобод тумани судининг 15.12.2015 йилдаги 1-405-2015-сонли ижро варақасига асосан, Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдончасида сақланаётган, 2005 йилда и/ч., д/р. 10F406KA, "Нексия" р-ли ав-на; 2. Тошкент вилояти Ҳўжалик судининг 15.02.2016 йилдаги 11-1507/21940-сонли ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, Янгийўл тумани, Э. Қовуंची ҚФЙда жойлашган, "Саховатли Ибодул" ф/х.да сақланаётган, бошланғич баҳоси – 7 647 000 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 10/487SAA, "ЛАДА-21074-110-30" р-ли ав-на ҳамда бошланғич баҳоси – 7 724 000 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10/757BAA, "ЛАДА-21074-110-30" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган, "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичига мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар тузилладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfInBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 хисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+998

Футбол

Кибрай туманида футбол бўйича "Ҳоким кубоги" мусобақалари низоҳасига етди. Ўн кун мобайнида туман марказий уйингоҳи ҳаваскор жамоалар, футболсевар ёшлар ва мухлислар билан гавжум бўлди.

Ишдаги чарчоқлар майдонда ёзилди

Бугун мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам футбол тобора оммалашмоқда, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Рустам Комилов. — Кувонарлиси, футболсевар ёшлар қаторида кўплаб корхона ва ташкилотларнинг ўз футбол жамоалари бор. Бундай совринли мусобақалар уларни рағбатлантириш, маҳоратини ошириш, жамоаларда соғлом ижтимоий муҳитни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Гуруҳ саралаш мусобақалари якунига кўра, аниқланган финалчилар учрашуви фойда кўзган тус олди. Биринчи ўрин учун майдонда туман тиббиёт бирлашмаси ва икки ишлар бўлими жамоалари куч синашди. Ҳуқуқ-тартибот ходимларини кичик фарқ билан мағлубиятга учратган тиббиётчилар кубок соҳибига айланишди. Учинчи ўрин эса, солиқчиларни мағлуб этган молия бўлими жамоасига nasib етди.

Филибларни туман ҳокими Нигмат Муҳамедов самимий қутлаб, кубок ва эсдалик совғаларини топширди.

Шерзод ШУХРАТОВ.

Қоранкўлда чақнаган қоракўзлар

Вилоятимизда болалар ёзи таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун барча шaroит муҳайё қилинган. Бундай хайрли ишда "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ёз қувончлари

Корхонамизнинг бўстонлик туманидаги сўлим Қоранкўл қишлоғида жойлашган "Зангори олов" болалар соғломлаштириш оромгоҳида тармоқда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари дам олади. Оромгоҳда ёзи мавсумга ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик қўрилади.

Хусусан, корхонада белгиланган манзилли дастур асосида ўтган 2015 йилда 400 ўринли ошхона қайтадан қуриб, битказилган бўлса, жорий йили яна 2 та бино тўлиқ қайта қурилади. Шунингдек, болалар учун ювиниш жойлари, ётоқхоналар, тиббиёт хонаси, чўмилиш ҳавзаси, футбол ва волейбол майдончалари

ҳамда тўғарак хоналари капитал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, кир ювиш хонаси, душ ва бошқа коммуникация воситалари янги лойиҳа асосида ишга туширилди. Оромгоҳга олиб борувчи йўлнинг 5 километрик қисми таъмирланди.



Маънавият

Фарзанд инсонга берилган энг улғу неъматлардан бири. Ота-оналар фарзандга, аввало, чиройли исм қўйиш, яхши таълим-тарбия бериш, ўз давомчиларини ҳар жиҳатдан баркамол қилишдек масъулиятли вазифаларини адо этишлари лозим. Муҳтарам Юртбошимиз: "... Барча эзгу ни-

ятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради", деб таъкидлайдилар.

ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯ

Унинг оқибати яхши бўлмайди


қарувчи, маънавиятини келтирувчи ҳар қандай ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш, дунёда кечаётган аҳборот таҳдидига қарши ёшларимизда соғлом иммунитетни шакллантириш, оғоҳликни бир дақиқа бўлсин унутмаслик бугун ҳар бир фуқаронинг энг зарур вазифасига айланмоғи шарт.

Яна бир эътиборли жиҳат, фарзандларни ўз ҳолларига ташлаб қўлиб, Ота-она фарзанди билан жиддий шугулланса, нур устига нур. Зеро, ўз ҳолида бир хил иш билан машғул бўлиш фарзандни зериктиради, рағбатини сўндира боради. Ота-она кўмағида эса, ёшига доир қўшимча китоб ва газеталар ўқийди, қизиқарли масалаларни муҳокама қилади, ибратли ривоят ва воқеалар тинглайди ва ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади. Табиийки, бу мактабда олаётган билимларини мустах-

камлайди, онгини ўстиради, фикри теранлашади, тўғри йўлни танлашига ёрдам беради.

Афсуски, ўз дилбандлари келажаги ҳақида қайғуриш ўрнига, вақти ва маблағини ўткинчи ҳою-ҳавасларга сарфлайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Бундай бефарқ ота-оналар нафақат ўзларига, балки зурриётларига ҳам зулм қиладилар. Негаки, фарзанд ота-онадан ибрат олади. Ахир, уларни соғлом ва доворак қилиб ўстириш, қалбда илм-маърифатга рағбат уйғотиш, диниётни қилиб во-яга етказиш, жамият, халқ ва Ватан олдидаги бурчларини бажариш масъулиятини сингдириш, ҳуллас, мурғаклигидан қалбларига эзгу хислатлар уруғини экиш оиладан бошланмайдими?

Шундай экан, фарзанднинг эртанги салоҳияти ота-онанинг бугунги сазй-ҳаракатига боғлиқ. Зеро,



ёшларнинг маънавий дунёсини захарлайдиган турли хавф-хатарлар қучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни хатарли таъсирлардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Юртбошимизнинг миллат ва унинг келажагини ўйлаб айтган фикрларидан яна бирига диққат қилайлик: "Давлатимиз шиддат билан янгилашмоқда, фарзандларимиз ҳам кўз ўнгимизда улғайиб, камол топмоқда. Биз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам бу жараён давом этаверад. Кишини ўйлантирадиган жиҳати шуки, фарзандларимиз биз истган, биз интилган, ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган даражада ўзгараяптими? Бугун умид билан қадаётганимизни ҳаққонимиз эртага қутилганидек мева берадими?"

Бу ҳар бир ўзбекистонлик ўзига қайта-қайта бериб туриши лозим бўлган жиддий савол. Агар биз ёшларимиз онгли ва руҳиятини захирали мафқуралардан қатъият билан ҳимоя қилсак, ҳар қандай гаразғўй қучлар мамлакат мустақиллигига ва унинг порлоқ келажагига раҳна сола олмайдими. Бу жамиятимиз, шу юрт, шу Ватанимиз муқаддас деб билган ҳар бир фуқаро олдида турган асосий вазифадир.

Одильжон НАРЗУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани «Жоме» масжиди имом-хатиби.

Яхшидан боғ

БЕКОБОДДА
ЯПОН БЕҲИСИ
ПИШАДИ

Бекобод тумани, Янги қўрғон қишлоғида яшовчи Йўлдош ота Ёқубовнинг асл касби қурувчи. Узоқ йиллар шу соҳада ишлаб, нафақага чиққан. Табиатан тиниб-тинчимас ва ҳаракатчан Йўлдош ота бир пайтлар томорқасига иссиқхона қуриб, қишин-ёзин сабзавот етиштирар эди. Яқинда шу иссиқхонада хандон pista қўчатини етиштиришга киришди.

Манбаларда ёзилишича, pista 1000-1500 йил умр кўриб, бўйи 8-12 метрга етади. Шунингдек, 25-30 даража совуққа бардош бера олади. Лекин, мевасининг пишиши учун 40 даражали иссиқ керак бўлади.

Писта табиати асраш, фермерларимиз турмуш даражаси ҳамда томорқа ҳўжаликлари самарадорлигини оширишнинг барқарор омилли. Асосийси, хандон pista Ўзбекистоннинг тоғолди, лалмикор ерлари учун иқтисодий жиҳатдан энг самарали ўсимлик. Яна у сабртоқатли, узоқни кўрадиган ва авлодлар тақдирига қайғурдиган одамлар экадиган дарахт.

— Ҳозирги кунда иссиқхонамизда 1100 тупдан ортиқ pista қўчатлари етиштирилмоқда, — дейди Йўлдош ота. — Мақсад — туманимизнинг камсув ва лалмикор ерларида келажақда катта даромад берувчи pistaзорлар барпо этиш. Чунки, бу дарахт меваси одамларга дармон бўладиган тансиқ неъматлар сирасига қиради. Аммо, кўзланган мақсадга етиш учун бир неча йил зарур.

Иссиқхонани кўздан кечиран эканмиз, барқ уриб турган пальма, банан, сарик ва қизил дулана, лимон, мандарин, арча каби мевали ва манзарали дарахт қўчатлари ҳам эътиборимизни тортди. Тиниб-тинчиман отахон киви уруғини экиб, қўчатини етиштиришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, лимон таъминини берувчи, қон босими ва бошқа бир қатор касалликларга шифо бўлувчи япон беҳиси ҳам ҳосилга кириш арафасида. Булардан ташқари, турфа гул қўчатларини етиштириш ҳам йўлга қўйилган.

Хуллас, табиат шайдоси Йўлдош отанинг бу ишларини оила аъзолари ҳам қўллаб-қувватлаб, ёрдам бермоқдалар. Шунинг учун иссиқхонадаги қўчатлар барқ уриб, яшнамоқда. Чор-атрофини боғ-роғларга, гулзорларга айлантиришдек савобли ишларга қўл урган отахоннинг меҳнатлари эса, янги йилларда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Нодиржон ТОШБЕКОВ,
Бекобод тумани.



Омар Мунининг сир

Келиб чиқиши Африканинг Сомали давлатига бориб тақалувчи Омар Мунни Нидерландия қироллигида яшайди. Унинг ажабтовур ёндашуvidан мода гигантлари ва дизайнерлар доғда қолишди.



қимматбаҳо хайридан кўра, арзон-гаров сумкаларни харид қилиш эвазига инсонпарварликни намойиш қилиш уларга ҳам маъқул келган кўринади. "Кимга тўй, кимга аза" деганларидек, бугун Омарбой вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятдан ўз бизнесини ривожлантириш йўлида фойдаланмоқда. Жуда кўпчилик: "Қандинги ур, шов-воз", деб уни қўллаб-қувватлашгани билдирган бўлса, баъзилар бу тарзда даромад олишга интилишни кескин қоралаётди.

Рақобат деганлари нималарга қодир эмас — АҚШда учар автомобилнинг нисбатан мукаммал варианты яратилди.

«Фантомас» афсонаси ҳақиқатга айланди

Ҳавода ва ерда бирдек ҳаракатланадиган мазкур автоулов Массачусетс штатида фаолият кўрсатаётган "Terrafugia" компанияси ихтирочилири томонидан яратилди. Автомобиль ҳам шунга монанд равишда "Terrafugia Transition" деб аталди.



У йўлда кетаётган чоғида 30 сонияда учишга шай бўлиб, қанотларини ёяди, кўниш лозим бўлса, бунга 15 сония вақт кетади ва яна текис йўлда соати-га 75 км. тезликда ҳаракатлана бошлайди. Тезлик ҳавода 185 км/с ни ташкил қилади.

Китоб ўқиб... соғайиб кетасиз!



Ливерпуль университетининг олимулари тахрирбага жалб этилган кишиларнинг Шекспир асарларини ўқийдиган чоғида бош миёсида кузатилган фаол ўзгаришларни қайд этишди.

Бундай муолажа усули асабий ва кўркүв ҳолатидаги кишиларни тинчлантириб, соғайтириш учун махсус ишлаб чиқилган экан.

Муолажага арзирли китобларни ҳар ким ўз диди, савиясидан келиб чиқиб танлаши мумкин. Мухими, библиотерапиядаги асосий талабга риоя этиш лозим, яъни, асар қизиқарли бўлиши, ўқиш жараёни фақат ҳузур-ҳаловат бахш этиб қолмай, фикрлашга ҳам ундамоғи, ўйлашга мажбур этмоғи керак.

Қандай китоблар мутолаа чоғида ақл ва юракка қувват беради? Биринчи галда мумтоз адабиёт намуналари. Бир маромдаги ҳикоя услуби кишида турғун ва барқарор ҳис-туйғуларни уйғотиши, дейишмоқда олимуллар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маънавият:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Фарҳод ТОЛИПОВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ